



# ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ – 1 ЁШДА!

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

# Маҳалла

2025 йил  
18 январь,  
шанба

№4  
(2228)

WWW.UZMAHALLA.UZ

КУН НАФАСИ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

## ҚИШЛОҚЛАРГА ИШЧАНЛИК РУҲИ ОЛИБ КИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги ёндашувлар асосида камбағалликни қисқарттиришга оид чора-тадбирлар тақдирини билан танишди.

Бу йил 5 миллион 200 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш ва 1,5 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган. Биринчи марта 60 та туман ва шаҳар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилади.

Маҳалла банкирлари билан бирга 1,5 миллион аҳоли доимий ишга жойлаштирилиб, 2 миллиондан зиёд одам бизнесга жалб қилинади. Шу мақсадда бу йил кичик бизнес лойиҳаларига жами 120 триллион сўм кредит ажратилади.

Илғор хорижий тажриба асосида 32 та йўналишда камбағалликни қисқарттириш бўйича янги ёндашувлар йўлга қўйилади. Мисол учун, 300 та оғир маҳаллада умумий қуввати 107 мегаватт бўлган қуёш электр станциялари ишга туширилади. Уларга камбағал оилалар аъзолари кооперация асосида ишга олинади.

123 та туманда камбағал аҳоли 20 минг гектар ўрмон ва қўчатзор барпо этиш ҳамда доривор ўсимликлар етиштиришга жалб этилади. Улар эккан ҳар 100 та дарахт учун 375 минг сўм субсидия тўланади. Туризм салоҳияти бор жойларда меҳмон уйлари ва ошхоналар, муайян почта бўлимларида электрон тижорат марказлари очилиб, камбағал оила вакиллари ишга олинади.

Умуман, жорий йилда 6 минг 472 та маҳаллада янги ёндашувлар асосида лойиҳалар амалга оширилиб, 210 минг нафар аҳоли камбағалликдан чиқарилади.

Чекка ҳудудлардаги, оғир тоифадаги қишлоқларга алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси уларга ишчанлик руҳини олиб кириб, боқимандаликни камайтиришга, камбағал оилалар меҳнатини қўллаб-қувватлашга масъул бўлади.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

## Туркия маҳаллаларида семинар ташкил этилади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қасимов Куропбоев Туркиянинг ТИКА ҳамкорлик ва координация агентлигининг Ўзбекистондаги вакили Али Риза Тезсан билан учрашди.

Учрашув аввалида меҳмонларга Президент ташаббуси билан ташкил этилган "еттилик" тизими, маҳалла институтидаги ислохотлар хусусида маълумот берилди. ТИКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари кўрсатилган эҳтиром учун ўзининг самимий миннатдорлигини билдирди. — Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг ўзаро биродарлиги, сиёсий иродаси билан бугун алоқаларимиз янада мустаҳкамланмоқда. Ана шу дўстлик замирида ТИКА ташкилоти ҳам мамлакатингизда ҳамкор тузилмалар билан қўллаб-қўллаб лойиҳаларни амалга оширапти. Жаноб Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳалла тизимига қаратаётган эътиборлари эътирофга лойиқ. Биз ташкилотингиз билан алоқа ўрнатиб, маҳалла ишига ҳиссамизни қўшишда беҳад мамнунмиз, — деди Али Риза Тезсан.

ТИКА ташкилоти олис, чегара ҳудудларидаги маҳаллаларни техник жиҳозлаш, мутахассислар малакасини ошириш, Туркиянинг ўзини ўзи бошқариш органларида семинарлар ташкил этиш каби лойиҳаларни биргаликда молиялаштиришга тайёрлигини билдирди.



ИСЛОҲОТ

## МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЧИНАКАМ "ДРАЙВЕР"ИГА АЙЛАНЯПТИ

2024 йилнинг 16-17 январь кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Таъсис Конференцияси бўлиб ўтди.

Тўғри, бир йил асрларни қаритган тарих олдида қисқа фурсат, бироқ маҳалладаги бунёдкорликлар, одамлар турмуш фаровонлигини таъминлаш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларга назар ташланса, ўтган бир йилнинг моҳиятини теранроқ англайсиз.

Зотан, Уюшма ташаббуси, сазой-ҳаракатлари билан қанчадан-қанча оилаларга қувонч, барака кирди, минглаб юрдошларимиз ишли бўлди, яна қанчаси касб-хунар эгасига айланиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Энг муҳими, бу орқали одамларнинг маҳаллага, ислохотларга ишончи орди, эртанги кунга, фарзандлари келажакка интилиши кучайди.

Давонинг 2-санифарида.

## БУГУНГИ СОНДА:

### "Қўмак ва таъминот учун маблағга муҳтож эмасмиз"

"Яқингача маҳалла раиси зиммасига қўллаб-қўллаб вазифалар юкланган бўлса-да, амалда уни бажариш воситаси йўқ эди. Шунинг ортидан аҳоли ўртасида ишончсизлик пайдо бўлган. Энди вазият яхшиланди."

3-с.

### Хорижда ишламоқчимисиз, "маҳалла еттилиги"га мурожаат қилинг!

Иш излаётганларнинг содда ва ишонувчанлиги фарибгарликка кенг йўл очаяпти. Кўпинча уйдан ёки тўлиқсиз иш кунда ишлаш истагида бўлган ёш болали оналар, туғуруқ таътилидаги аёллар алданиб қоляпти. Мисол учун, сизга тест бирон бир топшириқнинг бир қисми сифатида иш таклиф қилинади...

4-с.

### Иқтидорлар кўп, аммо ёшлар марказига эҳтиёж катта

"Марказнинг бир бурчагида ёшлар спорт тури билан шуғулланса, бир томонида мусиқадан сабоқ олса, яна бир томонда исталган вақт китоб ўқишга мўлжалланган мўъжазгина кутубхона ташкил этилса, дейман."

5-с.

### "Қўмак кўрсатмасам агар, чарчоғим тарқамайди"

"Ажралиш масаласига ҳар бир инсонни масъул деб биламан. Раҳбар ва мутасаддилар қанча тушунтириш бермасин, йўл-йўриқ кўрсатмасин, одамлар яқин кишининг бахтини уйлаб, бир оғиз гапдан қолмаса, барчаси бекор."

7-с.

МОҲИЯТ



## Маҳалла раислари 5 йилга сайланадими?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида фуқаролар йиғини раислари — маҳалла раисларининг ваколат мuddатини узайтириш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Киритилаётган ўзгартиришларга кўра:

- фуқаролар йиғини раиси ваколатлари мuddати уч йилдан беш йилга узарттирилади;
- фуқаролар йиғини раиси ваколатлари мuddатидан илгари тугатилган тақдирда, бўшаб қолган ўринларга янги сайлов ўтказиш орқали раис беш йил мuddатга сайланади;
- Сенат кенгашининг фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш билан боғлиқ ваколатлари Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларига ўтказилади;

- Фуқаролар йиғини раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи республика комиссиясининг сайловни ўтказиш билан боғлиқ ваколатлари ҳудудий комиссияларига ўтказилади;
  - Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашиларнинг номи Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашилари сифатида ўзгартирилади.
- Депутатлар қонун лойиҳасини қабул қилиши ва Сенатга кўриб чиқиш учун юборилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

- @mahalla\_raislari
- @mahalladosh\_1
- @mahalladosh



Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



Президент раислигида инвестицияларни кенг жалб этиш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ бўлиб ўтди.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ билан Ўзбекистон ва Мўғулистон ҳукуматлари ўртасида транспорт қатнови тўғрисида Битимлар тасдиқланди.



Шавкат Мирзиёев 2025 йил 13 январда "Космик фаолият тўғрисида"ги қонунга ИМЗО ЧЕКДИ.

ИСЛОҲОТ

# Маҳалла ислохотларнинг чинакам "драйвер"ига айлантишти



**Қахрамон ҚУРОНБОЕВ,** Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**ИСЛОҲОТЛАР МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилган, унинг олдида, энг аввало, маҳаллани халқ билан давлат ўртасидаги "кўприк" вазифасини амалга оширувчи халқчил тузилмага айланишини таъминлашдек фоят муҳим вазифа турганди. Бу ўз-ўзидан содир бўладиган жараён эмас. Қачонки, маҳалла фаол бўлса, ўзининг бугуни ва эртаси учун ёниб яшаса, аҳолининг дарду ташвишларига шерик, фаровон ҳаёти учун дахлдор деб ҳис қилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ўтган мuddат давомида маҳаллалар фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича **16 та қонунчилик ҳужжати (3 та қонун, Президентнинг 1 та фармони, 3 та қарори, Ҳукуматнинг 9 та қарори)** вазирилик ва идоралар билан **12 та қўшма қарор, 12 та меморандум** ишлаб чиқилди. "Маҳалла еттилиги"нинг фаолияти **асосий самарадорлик кўрсаткичлари (КР)** бўйича алоҳида баҳолашни, ходимларнинг ишга келиб кетиши тўғрисидаги давомат (табел) юритилиши йўлга қўйилди. Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси алоҳида юритаётган тарқоқ платформалар ўрнига **Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси** ташкил қилинди. 2024 йилнинг 11 ойи давомида жамғармага **374,7 миллиард сўм** маблағ туширилди.

**Сир эмас, қуйи бўғиндаги барча муаммо маҳаллага келиб тақалади.** Маҳалла раиси мазкур жараённинг ҳаммасида иштирок этиши шарт. Демак, ҳудуд ривожланиши учун, аввало, маҳалланинг ўз бюджети бўлиши керак. Шу боис 2024 йил 1 январдан бошлаб, барча маҳаллаларда **"Маҳалла бюджети" тизими** амалиётга жорий этилди. Хар бир йиғинда Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ташкил қилинди. 2024 йилнинг 11 ойи давомида жамғармага **374,7 миллиард сўм** маблағ туширилди.

**ЖАВОБСИЗ САВОЛ, ЕЧИМСИЗ МУАММО ЙЎҚ**

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, **"Бугунги кунда ҳамма иш маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилинмоқда. Бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилмоқда, унга қўшимча куч, имкониятлар берилляпти. Бу – албатта ҳам вақолат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини"**.

Шунга кўра, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, солиқ ҳамда профилактика инспекторларидан иборат таъсирчан тузилма – **"маҳалла еттилиги"** фаолияти йўлга қўйилгани давлатнинг ижтимоий сиёсати туман ёки шаҳардан эмас, балки айнан маҳалладан туриб амалга оширилишини таъминляпти.

Келинг, шу ўринда маҳаллада йўлга қўйилган мазкур иш тартиблари асосида 2024 йил давомида амалга оширилган савй-ҳаракатларга бир назар ташлаётликки, бу **Сизга "еттилик" фаолиятига адолатли баҳо бериш имкониятини тақдим этсин.**

**Ободлик бор жойда ривожланиш ва фаровонлик ҳукм суради.** Бу жараёнда, аввало, маҳалла ходимларига қулай шароит яратишга эътибор қаратилди. Хусусан, маҳалланинг моддий-техника таъминоти хатловдан ўтказилиб, 252 тасига янги бино қурилди, 471 таси таъмирланди, 59 таси реконструкция қилинди, 2 755 тасининг моддий-техникаси яшиланди. 9 452 нафар маҳалла раисига планшет берилди.

"Маҳалла еттилиги" уйма-уй юриши натижасида инфратузилма билан боғлиқ 315 минг 408 та (81,6 фоиз) ҳамда аҳолининг ижтимоий масалаларига оид 207 минг 964 та (82,9 фоиз) муаммо ҳал этилди. "Еттилик" ташаббуси билан маҳалладаги ички йўлларнинг 4 608 километр қисмига асфальт, 4 366 километрга шағал, 214,2 километрга бетон қопламаси ётқизилди. Ичимлик сув бўйича 9 181 километр сув тармоғи таъмирланди, электр таъминотини яхшилаш учун 2 176 та янги трансформатор ўрнатилди. 291 минг 502 та хонадон таъмирланиб, 33 минг 520 нафар аҳоли уй-жойи таъмирлаб берилди.

Яна бир тажриба: 208 та туман (шаҳар)да 1 тадан маҳаллада "Маҳалла сервис компанияси" ташкил қилиниб, улар фаолияти учун 11 номдаги 72 миллион сўмлик техник восита ва ускуналар харид қилиб берилди. Компанияларга маҳалланинг ўзида истикомат қилувчи ишсиз 5 392 нафар муносиб қадрлар ишга қабул қилинди.

**Одамлар маҳалланинг ўзида ишли бўлиши керак.** Айни жиҳат "еттилик" вакилларининг доимий эътиборида. Шу мақсадда улар банклар билан ҳамкорликда 754 минг 623 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Сайхунобод, Зарбод, Ёғдувон ва Ўйчи туманлари тажрибалари асосида 4 миллион 713 мингта хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди.

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури асосида "еттилик" савй-ҳаракатлари билан ўтган йили 844 минг 280 та оила камбағалликдан чиқарилди. Камбағаллик даражаси 2,4 фоизга қисқариб, 8,6 фоизга туширилди. 1 024 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди. Бу орқали камбағал оилаларнинг 10 минг 924 нафар аъзолари доимий ишга жойлаштирилди, 33 минг 948 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. "Еттилик" тавсисида маҳалла 75 мингта оилага 105,8 миллиард сўм моддий ёрдам ажратилди. 32 минг 770 та оиланинг уй-жойи таъмирланди. Тадбиркорликка иштиёқи бор, ўзини ўзи банд қилиш имкониятига эга 20 минг 698 нафар аҳолига 117 миллиард сўм субсидия, 78 минг 566 нафарига 252 миллиард 442 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

"Маҳалла еттилиги" анкетасўровнома асосида миграциядаги фуқароларни хатловдан ўтказди.



Айни пайтда мамлакатимизда 9 452 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Бу шунча тараққиёт маскани бор, дегани.

**"Еттилик" тизими ишга тушгач, маҳаллалардаги барча масалалар уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон ҳаётини ўрганган ҳолда ҳал этилишига имкон яратилди. Аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи муаммоларни бартараф этиш бўйича "Йул харита"си, "Омбор китоби" ишлаб чиқилди, Бандлик дастури, маҳаллалар "Баланси" шакллантирилди.**

Бу жараёнда миграцияда юрган 1,2 миллион нафар фуқаронинг 86 фоизи (1,03 миллион нафар) билан онлайн мулоқот ўтказилди. Натижада уларнинг 418 минг 764 нафари Ватанга қайтди, қайтганларнинг 210 минг 170 нафари ишга жойлаштирилди.

**МАЊНАВИЯТ ОШЕНИ, ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ**

Маҳалла азалдан оила, фарзанд, ёшлар таълим-тарбиясида бениҳоят таъсирчан куч бўлиб келган. Бироқ маълум вақт бу таъсирчанлик бироз сусайгандек бўлди. Оқибатда оилавий ажралашларнинг кўпайиши, фарзандлар тарбиясидаги кемтиклик, ёшларнинг ёт унсурлар таъсирига тушиб қолиши каби салбий иллатлар кўзга ташлана бошлади.

Ҳўш, бу ўринда "маҳалла еттилиги" қандай ишлади? Энг аввало, улар ҳар битта оилага кириб боришди. Оилалардаги маънавий муҳитни ўрганиб, ҳар бир оила аъзосининг қизиқиши, муаммоси, фикри билан танишди. Индивидуал дастурлар ишлаб чиқилиб, оилага моддий ва маънавий қўмак кўрсатиш ишлари бағъланб олинди. Натижалар кўп куттирмади.

**Биринчи навбатда, жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолияти ошди.** Йиллар давомида айрим одамлар онгига ўрнашиб қолган "Аёл киши уйда ўтириши керак, улар фарзанд тарбияси билан шуғулланса, бас" деган қараш ўзгарди. Кўпчилик оилаларда қизларнинг, келинларнинг олий маълумотли бўлиши учун етарлича шарт-шароитлар яратиб берилётгани кишини қувонтиради.

**Одамлардаги боқимандалик, ўзбўларчилик кайфияти ўрнини дахлдорлик туйғиси, тадбиркорлик руҳи эгаллади.** Ижтимоий ҳимоя соҳаси йиллар давомида айрим одамларни ўзини ўнглаб олишга эмас, ёрдам кутиб яшашига ўргатиб қўйган эди. Эндликда "маҳалла еттилиги" назорати остида нафақа олувчилар рўйхатиға, биринчи навбатда, ногиронлиги бор, ота-онаси йўқ, боқувчисини йўқотган, касаллиги ва бошқа сабабга кўра узоқ мuddат ишлаб олмайдиганларнинг оилалари киритилляпти.

**Оилавий ажралашлар масаласи фақатгина эр-хотиннинг эмас, маҳалланинг, жамиятнинг умумий ишиға айланди.** Оилалар шунчаки ажратиб юборилмаяпти, бунга сабаб бўлаётган омиллар чуқур таҳлил қилиниб, келгусида бунга йўл қўймаслик чоралари кўриляпти. Савй-ҳаракатлар натижасида 1 559 та маҳалла оилавий ажралашлардан холи ҳудудга айлантирилди.

Алоҳида айтиш керак, маҳалла ёшлари билан кўпроқ мулоқот қилиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларига ечим топиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ўғил-қизларимизни китобхонликка жалб этиш, ҳарбий хизмат учун муносиб мард ва ботир йигитларни тарбиялаб бориш каби ишларга "еттилик" қўмакчи

сифатида жамоатчилик тузилмалари, "Маҳалла назорати" ва "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари, "Оқила аёллар" ҳаракати фаоллари муносиб хисса қўшмоқда.

**Кўринадикки, Президент ташаббуси билан йўлга қўйилган ва қисқа фурсатда ўзининг ижобий самарасини намойиш этган "маҳалла еттилиги" тизими маҳалланинг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий салоҳиятини оширди.** Энди маҳалла кимнингдир ёрдамиға муҳтож тузилма эмас, балки барча жараёнларнинг марказида турувчи, одамларни ҳаракатга келтирувчи ижтимоий кучға айланди.

**ХАЛҚАРО ТАЖРИБА СОҲА РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ**

Юқорида эришилган улкан ютуқ ва натижалар сабаб бугун ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими – маҳалла институтига халқаро даражада қизиқиш ортиб бораётганини айтиб ўтиш ўринли. Маҳалла миқёсида шаклланган тажрибалар кўпчилик хорижлик экспертларни маҳалла тарихини ўрганиш, унинг бугунги ислохотлар жараёнидаги ўзгаришларни таҳлил қилишга йўл очмоқда!

**2025 йил давомида ҳам олдинизга қатор мақсадларни қўйганмиз.** Хусусан, янги таҳрирдаги "Маҳалла тўғрисида"ги қонун ҳамда "Маҳалла раиси сайлови тўғрисида"ги қонун қабул қилинади. Маҳаллани 2030 йилга қадар ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилади. Февраль-май ойларида 9 452 та маҳаллада раислар сайлови ўтказилиб, аҳоли орасида обрў-эътиборга эга бўлган, садоқатли, тажрибали ва ватанпарвар кадрлар танлаб олинади.

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 500 та кам таъминланган оилалар уйлариға ҳамда олис ва чекка ҳудудлардаги 1 000 та маҳалла биноларига қуёш панеллари ўрнатилади. Бориш қийин бўлган, чегара ва тоғли ҳудудларда жойлашган 2 300 та маҳаллада инфоқосмослар ўрнатилади, хизматлар сони 100 тага етказилади.

Йиғинларда 1 000 тадан орттиқ "Маҳалла сервис компанияси" фаолияти йўлга қўйилади, хизмат турлари 23 турдан 31 тага етказилади. "Маҳалла еттилиги" аъзоларини лавозимға тайинлаш, лавозимидан озод этиш ва бошқа ҳудудларға ротация қилишни маҳалла раиси билан келишилган ҳолда амалға ошириш тизimini йўлга қўйилади.

**Жорий йилнинг 2-5 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида мамлакатимиз тарихида илк маротаба "Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни" мавзусида Халқаро конференция ўтказилди.**

Унда аҳолининг яшаш фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларига ечим топишда маҳалланинг ўрни илк марта халқаро даражада илмий ёндашувлар асосида ўрганилди. Энг муҳими, конференциядан олинган хулосалар асосида "Самарқанд декларацияси" қабул қилинди.

**МАҚСАДЛАР УЛКАН, ҲАРАКАТЛАР МУШТАРАК**

Юқоридагилар – бугун ҳаётимиздаги, маҳалламиздаги атиги бир йил ичида содир бўлган ўзгаришлардан бир парча, холос. Бу каби ўзгаришларни санаб саноғиға этиш қийин.

Айни пайтда мамлакатимизда 9 452 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Бу шунча тараққиёт маскани бор, дегани. Уйлаб кўрайлик, ҳар бир маҳалла бир йилда жамият ҳаёти, фуқаролар турмуш фаровонлиги йўлида биттадан ташаббусни амалға оширса, Ўзбекистонда бир йилда қарийб 10 мингта янглик буй кўрсатади. Энди уларни умумлаштириб, ҳамма маҳаллаларға жорий қилаверсак, бошимиз яхшиликлардан чиқмай қолади. **Мана, нима учун Президентимиз маҳаллаларни ривожлантиришға кенг йўл очмоқда?!**

**2025 йил давомида ҳам олдинизга қатор мақсадларни қўйганмиз.** Хусусан, янги таҳрирдаги "Маҳалла тўғрисида"ги қонун ҳамда "Маҳалла раиси сайлови тўғрисида"ги қонун қабул қилинади. Маҳаллани 2030 йилга қадар ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилади. Февраль-май ойларида 9 452 та маҳаллада раислар сайлови ўтказилиб, аҳоли орасида обрў-эътиборга эга бўлган, садоқатли, тажрибали ва ватанпарвар кадрлар танлаб олинади.

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 500 та кам таъминланган оилалар уйлариға ҳамда олис ва чекка ҳудудлардаги 1 000 та маҳалла биноларига қуёш панеллари ўрнатилади. Бориш қийин бўлган, чегара ва тоғли ҳудудларда жойлашган 2 300 та маҳаллада инфоқосмослар ўрнатилади, хизматлар сони 100 тага етказилади.

Йиғинларда 1 000 тадан орттиқ "Маҳалла сервис компанияси" фаолияти йўлга қўйилади, хизмат турлари 23 турдан 31 тага етказилади. "Маҳалла еттилиги" аъзоларини лавозимға тайинлаш, лавозимидан озод этиш ва бошқа ҳудудларға ротация қилишни маҳалла раиси билан келишилган ҳолда амалға ошириш тизimini йўлга қўйилади.

Энг муҳими, одамларнинг маҳаллага, ислохотларни янада кучайтириб, ҳар қандай масалада маҳаллага суянishi мумкинлигини англаб етади. **Олдимизға қўйган асосий мақсад ҳам шу аслида – ҳар бир инсон маҳалладан рози бўлсин!**



"Самарқанд декларацияси" БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида 194 та мамлакат аъзолари томонидан расмий ҳужжат сифатида қабул қилиниб, тан олинди ва тарқатилди. Ҳужжат БМТнинг барча расмий тилларида (инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз) нашр этилди.



Янги қонун билан айрим тadbиркор ва юридик шахслар ДAVЛAT БOЖИНИ Тўлашдан озод этилди.



Ҳукумат қарорига асосан, таълим ташкилотлари ошхоналари тadbиркорларга "E-auction" орқали ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ.



Ҳукумат муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТНИ тасдиқлади.



МАХАЛЛАДА НИМА ГАП?

## МАХАЛЛА РАИСИ ТАҚДИРЛАНДИ

# “Кўмак ва таъминот учун маблағга муҳтож эмасмиз”



**ШУ ВАҚТГАЧА МАХАЛЛАГА ЖУДА КўП ВАЗИФАЛАР ЮКЛАТИЛГАН БўЛСА-ДА, АММО УНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАЪМИНЛАНМАГАНДИ.**

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Маҳалла бюджети тизими ва Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ташкил этилгани ана шу бўшлиқни тўлдирди. Жамғармага жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солигидан ундирилган маблағлардан тегишли қисми ўтказилиши натижасида ҳудудлардаги муаммоларга мустақил ечим топиш имконияти яратилди. Маблағларни сарфлаш ваколати маҳалланинг ўзига берилди. Аслида ҳам, қаерда, қандай муаммо борлигини уларнинг ўзи яқши билади.

Хўш, ўтган даврда бу ислохот қандай самара берди? Амалда бу ташаббус ортдан маҳаллалар муаммосига ечим топилаётими? — Дарҳақиқат, юқоридаги ислохот биз узоқ кутган янгилик бўлди, — дейди Тошлоқ туманидаги “Бесаранг” маҳалласи раиси Дилмурод

ҚОСИМОВ. — Чунки яқингача маҳалла раиси зиммасига кўп вазибалар юкланган бўлса-да, амалда уни бажариш воситаси йўқ эди. Шунинг ортдан аҳоли ўртасида ишончсизлик пайдо бўлганди. Энди вазият яхшиланди. Биргина қарор натижасида муаммога ечим топилди. Ҳудудимиз мисолида айтсам, узоқ йиллардан бери маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда “Нуронийлар чойхонаси” учун зарур мебель жиҳозлари ололмадик. Айнан “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилгач, 2024 йилда муаммо ҳал бўлди.

Яна бир гап, яқин-яқингача фуқаролар йиғинининг моддий-техник базиси ачинарли аҳволда қолаётганди. Ҳатто оқ қоғоз сотиб олиш ходимлар зиммасига тушарди.

— Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига жисмоний шахслардан олинган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган ма-



блағларнинг 10 фоизи ўтказилиш ҳисобига молиявий мустақилликка эришдик, — дейди Чортоқ туманидаги “Ласкидон” маҳалласи раиси Исроил УБАЙДУЛЛАЕВ.

— Бу имкониятдан фойдаланиб, моддий-техника базисини мустақамлаб олдик. 2024 йилдаги тушумдан “еттилик” ходимлари учун планшет харид қилдик. Ҳозирда принтер ва совутич учун буюртма берганмиз.

Бироқ айрим ҳудудларда бу масалада муаммо кузатиляпти. Мисол учун, Янги Наманган туманидаги “Бунёдкор” маҳалласида келиб тушган маблағ ҳисобидан эҳтиёмманг ёки камбағал оилаларга кўмак кўрсатишга рухсат берилмаган.

таъмирлаб берилди. Фуқаролар йиғини учун компьютер ва совутич сотиб олинди. Навбатдаги босқичда кўча чироқлари ўрнатилиши ва ички йўлларни шағаллаштириш режалаштирилган. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, юқоридаги ислохот натижасида йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал бўляпти. Мўҳими, аҳоли ўртасида маҳалланинг нуфузи ортыпти.

Мингбулоқ туманидаги “Чордона” маҳалласи раиси Аҳрор Ортиқов қишнинг чилласида жасорат кўрсатди. У ўзини каналга ташлаган қизни ҳеч иккиланмасдан сувдан қутқариб қолди.

Ходиса вақтида Аҳрор Ортиқовнинг тезкор ҳаракати ва жасорати туфайли инсон ҳаёти сақлаб қолинди. — Ишхонада “Омбор дафтари”ни шакллантириб ўтиргандим, — дейди Аҳрор ОРТИҚОВ. — Кўп телефонимга 1-мактаб ўқитувчиси Одина Жўраева кўнғироқ қилиб, ёш қиз каналда чўкаётганини хабар қилди. Тезда етиб бордим. Атрофдагилар совуқ бўлгани учун сувга тушгани кўриб турарди. Бу вазиятда ҳар дақиқа ғанимат эди. Шу боис иккиланмай сувга тушдим. Қизнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ҳозир аҳоли яқши.

Аҳрор Ортиқовнинг ушбу жасорати Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан муносиб қадрланди. Уюшма раиси Қаҳрамон Қуронбоев маҳалла раисини «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирлади. Шунингдек, 10 миллион сўм миқдорда пул мукофоти берилди.



## Раис ташаббуси барчага ибрат бўлди

Йилнинг тўрт фаслида Қува туманига келсангиз, қулуннайлар ишиб турганига гувоҳ бўласиз. Туманининг “Тинчлик” маҳалласида яшовчи Жалолиддин Қўчқоров асли маҳалла раиси.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

Одамларга томорқадан самарали фойдаланишни тарғиб этиш ўз йўлига, аммо уни амалда кўрсатиш ҳамманинг қўлидан келвермай-

ди. Қаҳрамонимиз ана шундай ташаббус билан чиқди. Ўтган йили хонадонидаги бўш турган 2 сотих ерга иссиқхона ташкил этди. Қулуннайни гидропоника усулида экиш томорқа эгаси учун янгилик эди. Шу боис бошланишида катта харажатдан ўзини тийди. Шахсий маблағи ҳисобидан

70 миллион сўм сарфлади. — Боғдорчиликда яқши тажрибага эгаман, — дейди “Тинчлик” маҳалласи раиси Жалолиддин Қўчқоров. — Аммо деҳқончиликда унчалик уқувим йўқ. Шу сабабли мустақил тарзда изланиб, агротехник тadbирларни ўргандим. Бу усулда маҳ-

сулот етиштириш жуда самарали экан. Асосийси, маҳсулот сифатли пишади. Иссиқлик тепада бўлгани учун ҳосилдорлик ерга нисбатан икки баробар кўп. Кўчатларни Тошкентдан олиб келиб, август ойи бошида қопчаларга жойлаб экиб чиққанмиз. Айни пайтда ёз фаслида ўтказилган 3 400 туп

кўчат бехато ўсяпти. Декабрь ойи бошидан даромадга кирдик. Уртача 1 тоннага яқин ҳосил олишни кўзлаб турибмиз. Ҳозирда ҳар бир килосини 200 минг сўмдан сотялмиз. Утган йили 60 миллион сўм даромад қилгандик. Бу йил 100 миллион сўм фойда олишни кўзляптимиз. Ўзтиборлиси, қулуннайнинг бир тупи 3 тагача кўчат беради. Яъни, кўчатдан қўшмича 40 миллион сўмга даромад қилиш мумкин.

Бу ташаббус бошқа маҳалладошларга ҳам ижобий таъсир қилди. Айни пайтда ҳудуддаги 11 та хонадонда намунавий иссиқхона ташкил этилган. Бу ерда 20 нафардан ортак аҳоли бандлиги таъминланган. Ҳар бир сотих ер миллионидан 50-60 миллион сўм даромад топиш кўзда тутилган. Келгусида яна 50 дан ортик шундай замонавий иссиқхоналар қуриш, 80 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

### ҲАМКОРЛИК

## ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ ЖОЙИДА ЎРГАНИЛЯПТИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси делегацияси Хитой Халқ Республикасида бўлиб турибди.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Бу жараёнда Хитой тажрибасини ўрганиш муҳим. Шу мақсадда Уюшма вакиллари Гуанчжоу шаҳрида хизмат сафарида бўлиб турибди.

Ташриф давомида камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи ташкилот ходимлари билан учрашув ўтказилиб, камбағал оилалар учун махсус ташкил этилган бозор шохобчаси фаолияти ўрганилди. Масъул ходимлар у ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, тажриба алмашди.

Шунингдек, куннинг иккинчи ярмида касб-хунар мактаби фаолияти билан танишилди. Ёшларни касб-хунарга тайёрлаш йўналишлари, уларнинг самардорлиги ва амалий натижалари бўйича масъуллар билан фикр алмашилди.

Ташриф давом этмоқда.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳамидбек ЭРКИНОВ. Кўмқўрғон тумани.

— Тadbиркорлик фаолиятимда зарур техника воситалари сотиб олиш эҳтиёжи пайдо бўляпти. Бироқ хизмат автомобили харид қилиш учун етарли миқдорда маблағ йўқ. Шунинг учун лизинг ёки кредит хизматидан фойдаланмоқчи эдим. Қайси бири орқали автомобиль сотиб олсам, фойдали бўлади?

## АВТОМОБИЛНИ ЛИЗИНГГА ЁКИ КРЕДИТГА ОЛИШНИНГ ҚАНДАЙ ФАРҚИ БОР?

Акmalжон НАЗАРОВ, Марказий банк департамент раҳбари:

— Кўпчилик тadbиркорлар молиявий муаммоларни ҳал қилишда лизинг ва кредит хизматига мурожаат қилади. Айниқса, Ўзбекистонда автомобилларни лизингга олиш кичик бизнес вакиллари учун ечимга айланган. Лизинг — бу молиявий

хизмат тури бўлиб, унда лизинг берувчи (компания) муайян мол-мулкни сотиб олиб, ундан маълум муддатга ва тўлов асосида фойдаланади. Шартнома муддати тугагач, лизинг олувчи ушбу мол-мулкни сотиб олиш ёки қайтариш имкониятига эга бўлади.

Кредит — банк ёки бошқа молиявий ташкилот томонидан маълум муддатга ва фоииз тўлови



эвасига пул маблағларини қарзга бериш. Қарз олувчи ушбу маблағни белгиланган муддатда қайтариши керак. Қисқача айтганда, кредит пул маблағларини қарзга олиш бўлса, лизинг мол-мулкдан вақтинча фойдаланишдир. Лизингда битим бую-

ми ва сотувчини мижоз танлайди. Харидни лизинг компанияси амалга оширади. Сотиб олинган товарни мижозга вақтинчалик фойдаланиши учун келишилган муддатга беради. Белгиланган сумма тўлангандан кейин, ижарадаги мулк мижознинг тасаруфига ўтади.



Марказий банк тижорат банклари орқали оғирлиги 100 грамм бўлган ОЛТИН ҚҲЙМАЛАРНИ сотувга чиқарди.



Автобусларда чиптасиз юрганларни ЖАРИМАГА ТОРТИШ йўловчиларга шароит яратилмагунча қўлланмайди.



Янгийўл туманида тажриба тариқасида ижтимоий ёрдам олувчиларга ИЖТИМОИЙ КАРТА берила бошланди.

ФИКР

# Хорижда ишламоқчимисиз, “маҳалла еттилиги”га мурожаат қилинг!



КЕЙИНГИ ПАЙТ-ДА ФИРИБ-ГАРЛИКНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИ ПАЙДО БЎЛДИ. ЖУМЛАДАН, ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ ЭКИ МАСОФАДАН ДАРОМАД ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАКЛИФЛАР КЎП УЧРАЯПТИ.

Мақсадбек ФАЙЗ.

Иш излаётганларнинг содда ва ишонувчанлиги фибриб-гарликка кенг йўл очяпти. Кўпинча уйдан ёки тўлиқсиз иш кунида ишлаш истагида бўлган ёш болали оналар, туғурук таътилидаги аёллар алданиб қоляпти. Мисол учун, сизга бирон-бир топшириқнинг бир қисми сифатида иш таклиф қилинади. Кейин иш берувчи бу меҳнатга ҳақ тўламасдан ғойиб бўлади. Ёки фибрибгар мижоздан маош ўтказиш ва бошқа турли баҳоналар билан унинг банк картаси маълумотларини сўрайди. Бу алдовга ишонган киши нафақат бажарган меҳнатига яраша ҳақ ололмайдди, балки унинг ҳисобидан пул ечиб олиниши мумкин.

Иккинчи ҳолатда мижозга товар сотиш таклиф қилинади. Махсулот учун олдиндан тўловни амалга ошириш сўралади. Пул ўтказилиши билан ҳисоб блокланади. Аслида, ҳақиқий иш берувчи ҳеч қачон ходимдан пул сўрамайди. Шундай талаб қўйилган ҳолда — бу шак-шубҳасиз фибрибгарлик! Фуқаролар алданиб қолмаслиги учун, аввало, ҳуқуқий билимини ошириши керак. Хар қандай таклифни таҳлил қила олиши лозим. Кейинги вазиятда фибрибгарлар одамларнинг ишончига кириб, уларни катта маошли ишларга жўнатишга ишонтярапти. Булга кўп мисоллар келтириш мумкин. Кунни кеча Самарқанд ва Навоийда ана шундай фибрибгарлик фош этилди. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши

курашиш департаментининг маълум қилишича, Оқдарё туманида фуқароларнинг ишончига кириб, уларни Англия давлатига ишга юбориш эвазига 4 500 АҚШ доллари сўралган. Афсуски, терговга қадар текширув давомида яна 47 нафар фуқаро 37 160 АҚШ долларга чув тушгани аниқланган. Бундан ташқари, Навоий вилоятида 4 минг АҚШ доллари эвазига фуқароларни Корея давлатига яшава ишлаш учун жўнатиш ҳамда виза хужжатларини тайёрлаб бериши айтиб, алдашган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг ахборот хизмати раҳбари Жамолдин Қаландаровнинг маълум қилишича, ҳавфсиз миграция тизими йўлга қўйилган бўлса-да, негадир одамлар эҳтиётсизлик қиляпти. Осон йўл билан

кўпроқ пул топиш иштиёқи уларни фибрибгарлар қурбонига айлантiryапти. Аслида, муаммага ечим бор. Республикамиз бўйича “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили йўлга қўйилиб, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси хорижда ишлаш истагида бўлган фуқарони аниқлаб, “Онлайн маҳалла” платформасига киритади.

Номзодлар хориждаги иш берувчилар танловларига жалб этилади. Бундан ташқари, касбий малакаси йўқ ва тилни билмайдиган фуқароларни касбга ўқитиш ва профтаълим муассасаларида мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилган. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги қошида Фуқароларни

хорижий тилларга ўргатиш ва ишлашга мақсадли тайёрлаш маркази очилган. Шундай экан, хорижда ишлаш истагидаги юртдошларимиз, биринчи навбатда, ўзлари яшаётган маҳаллага мурожаат қилсалар, ортиқча оворагарчилик ва кўнгилсизликнинг олди олинадди.

## “ТАДБИРКОРЛИК “ДРАЙВЕР”ГА АЙЛАНЯПТИ”

ТАЖРИБА

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДАРОМАДИНИ ОШИРИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛИ — ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. БУНИ ЯХШИ АНГ ЛАГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАРНИ ИШГА ТУШИРАПТИ.

Фахриддин ЖУМАНИЁЗОВ, Хива туманидаги “Сапча” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Худудда 3 минг 253 нафар аҳоли истиқомат қилади. “Драйвер” — боғдорчилик ва деҳқончилик. Кейинги пайтда тадбиркорлик йўналиши кўшимча ўсиш нукта-мизга айланиб боряпти. Хизмат кўрсатиш, касаначиликда янги ташаббуслар илгари суриляпти. Мисол учун, “Хар бир оила — тадбиркор” дастури асосида Иброхимовлар оиласига 50 миллион сўм ажратилган эди. Бу маблағ эвазига нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этилди. Натижда оиланинг 5 нафар аъзоси ва маҳалладаги 15 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Махсулотларга талаб ортгани учун қўшимча 100 миллион сўм кредит берилди. Пироваддида яна 6 нафар хотин-қиз ишга жойланди.

Миграциядан қайтган Мардонбек Иброхимов 33 миллион сўм кредит эвазига эшик ва дераза ясашни йўлга қўйди. Шунингдек, тадбиркор Эгамберган Полванов ташаббуси билан маҳаллада нодавлат мактабгача таълим ташкилоти иш бошлади. Қолаверса, хонадонда 25 миллион сўм кредит эвазига иссиқхона ҳамда озиқ-овқат махсулотлари сақлаш учун совутигич-ом-



борхона қурилди. Хулоса қилиб айтганда, 2024 йилда барча соҳаларда яхши натижага эришдик. 100 миллион сўм

имтиёзли кредит ҳисобига фойдаланилмай турган бинода умумий овқатланиш шохобчаси ташкил этдик. Бу ерда 6 нафар камбағал

оила вакиллари бандлиги таъминланди. Жорий йилда бу натижани икки ҳиссага оширишни режа қилганмиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОЛАНГАН ХОДИМГА КРІ БЎЙИЧА УСТАМА БЕРИЛАДИМИ?

Отамурод ЖУМАНОВ, Урганч туманидаги “Кўнғирот” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси:

— Маълумки, ҳоким ёрдамчилари фаолиятида ходимларнинг ойлик маошига қўшиб бериладиган устама КРІ кўрсаткичига асосан ажратилади. Интизомий жазого тортилган ходимнинг КРІ кўрсаткичи юқори бўлса, унга устама тўланадими?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Меҳнат кодексининг 299-моддаси 5-қисмига кўра, интизомий жазонинг амал қилиш мuddати ичида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган мукофот(байрамлар, шу жумладан касб байрамлари, юбилейлар муносабати билан)лар қўлланилмайди. Иш берувчилар шу асос билан интизомий жазоси бор ходимга КРІ тўловларини тўхтатишмоқда. Бироқ бу ерда рағбатлантириш чоралари, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган мукофотлар ҳақида гап кетмоқда. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотларни бир-бирдан фарқлаш керак.

Меҳнат кодексининг 299-моддаси 4-қисмига кўра, иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устама-лар ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турлари жумласига кирмайди. Интизомий жазонинг амал қилиш мuddати ичида интизомий жавобгарликка тортилган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотларни тўлаш тўғрисидаги масала мукофотлаш ҳақидаги тегишли низомида ҳал қилинади. Яъни, агар ташкилотнинг мукофотлаш ҳақидаги низомида алоҳида қоида белгиланмаган бўлса, интизомий жавобгарликка тортилган ходимга меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган КРІ учун устама тўланади.



## “БЕШКАПА” ТАЖРИБАСИ ОММАЛАШТИРИЛДИ

Наманган туманидаги “Бешкапа” маҳалласида қиш фаслида ҳам баҳор нафасини сезиш мумкин. Ёрси, худуддаги деярли ҳар бир хонадон томорқасида мўъжаз иссиқхона бор. Маҳалла “драйвери” иссиқхоначилик этиб танлангани бежиз эмас. Чунки бешкапаликлар бу йўналишда ўзига хос тажрибага эга. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси ташаббуси билан

“Маҳаллаларда аҳоли томорқаларидан фойдаланиш: Наманган туманидаги “Бешкапа” маҳалласи мисолида” мавзусида ўтказилган тадбирда айна шу жиҳатлар оммалаштирилди. — Иссиқхона фаолияти нафақат маҳаллий аҳоли даромадларини оширишга, балки қишлоқ ҳўжалигида самарали усуллари татбиқ этиш орқали янги имкониятлар яратишга қаратилган, — дейди Ўзбекистон

маҳаллалари уюшмаси Наманган тумани бўлими бошлиғи Дилбархон ҚОШИМОВА. — Бузуғи кунда аксарият хонадонларда иссиқхона орқали янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромади оширилляпти. Хатлов натижасида бу борада қўшимча имкониятлар борлиги, мавжудларидан янада кўп ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди. Тадбир якунида ушбу тажрибани вилоят миқёсида оммалаштириш белгиланди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



**ИНСОФСИЗ ИЖРОЧИЛАР**  
реестрини шакллантириш  
тартиби тўғрисидаги  
низом рўйхатдан  
ўтказилди.



**Ўзбекистон**  
ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ  
2024 йилда 6,5 фоизга  
ошиб, 115 миллиард  
долларга етди.



**Хукумат қарори билан**  
қишлоқ хўжалигига  
мўлжалланган ерларни  
ИЖАРАГА БЕРИШ тартиби  
соддалаштирилди.

**МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?**



**“МАҲАЛЛА СЕРВИС**  
**КОМПАНИЯСИ”**  
**ОЧИЛДИ**

**Бандихон туманидаги**  
“Бирдамлик” маҳалласида  
“Маҳаллаларни ободонлаштириш,  
кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини  
тубдан яхшилашга доир кўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида”ги  
Президент қарори асосида “Маҳалла  
сервис компанияси” ташкил этилди.

**С**урхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов, сектор раҳбарлари, маҳалла еттилиги, аҳоли вакиллари иштирок этган тадбир доирасида маҳаллалар ободлигини таъминлашга қаратилган семинар ўтказилди. Унда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ишлар, оғир шароитдаги йиғинларда сервис компаниялари фаолиятини йўлга қўйиш ишлари юзасидан мутахассисларнинг ахбороти эшитилди. Компания ходимларининг маҳаллада бажарадиган юмушлари хусусида суҳбат олиб борилди.

— Маҳалламизда 21 та кўча, 731 та хонадон бор, — дейди “Бирдамлик” маҳалласи раиси Хуршид Ибрагимов. — Кўчаларнинг ҳар бирига эндиликда “Маҳалла сервис компанияси” 23 та хизмат турини кўрсатади. Аҳоли ўртасида бу бўйича тарғибот ишларини бошлаб, йил бошидан хизматларга буюртма олинган. Унга шартнома асосида йиғиндаги ишсиз фуқаролар жалб этилган. Очиғи, авваллари аҳоли ариқларни, мўриларни тозалаш, сантехника хизматларида қийналарди. Бугун одамлар сервис компанияси фаолияти йўлга қўйилганидан мамнун.

Маълумот учун, “Маҳалла сервис компанияси” йиғинларда 23 турдаги хизматларни, амалга оширади.



**ҚИЁФА**

**ИҚТИДОРЛАР КЎП,  
АММО ЁШЛАР МАРКАЗИГА  
ЭҲТИЁЖ КАТТА**

“Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун файз кетади”, дейишади. Доно халқимизнинг ушбу пурҳикмат сўзлари бежиз айтилмаган. Бунни маҳалламиздаги оилалардан бирининг ҳар кунлик жанжалига гувоҳ бўлиб англадим...

Умрулло ЖАМОЛОВ,  
Ғижувон туманидаги  
“Баққоллар” маҳалласи  
ёшлар етакчиси.

**Б**ир нафар фарзанднинг ота-онаси бўлган ёш оила ўртасидаги низо нега бу қадар олов олаётгани сабабини билиш мақсадида маҳалла фаоллари билан бирга хонадонга кириб бордик. Оилабоши норасмий ишда ишлайди, аёли уйда бола тарбияси билан банд. Йигит топадиган пул рўзгорнинг барча сарф-харажатларини қопламайди. Натихада етишмовчиликдан ҳар кун эр-хотин ўртасида жанжал келиб чиқади. Турмуш ўртоғининг рўзгор тутумидан шикоят қилган келин тугун-тақасмини кўтариб, ота уйига кетишга тараддуд кўриб қолди. Маҳалла фаоллари келинни бу шаштидан қайтаришга уринишди. Оила мукаддаслиги, бундай вазиятда аёл киши оғирроқ бўлиши лозимлиги ҳақида унга насиҳат қилиб, қандай муаммо бўлса, шу ернинг ўзида ечим топишимизни айтишди.

Шу асосда аёлнинг ижтимоий ҳолатини тўлиқ ўрганиб, вазият чиндан оғирлиги, эри топаётган пул фақат кунлик озиқ-овқатга етаётганини қолган харажатлар учун қарздорлик кўпайиб бораётганини аниқладик. Аёлнинг тикувчиликка ўқуви борлигини билгач, “Ёшлар дафтари” орқали унга субсидия асосида тикув машинаси олиб бердик. Хозирда кунига 80-100 минг сўм даромад қилиб, оиласи

сарф-харажати учун турмуш ўртоғига кўмак берапти. Ниҳоят оилавий муносабатлар изга тушиб, ёшлар ҳаёти яхши томонга ўзгарди.

**Бу йил олий таълим муассасасига кирганлар сони кўпчиликти ташкил қилади.** Ўқишга киролмаганлар ва бўш юрган йигит-қизларни касб-хунар ўрганишга жалб қилдик. Пул топиб, оиласига ёрдам бермоқчи бўлган ёшларни хусусий сектор раҳбарлари билан гаплашиб, доимий иш ўринларига жойлаштирдик. Улар орасида тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлганлари ҳам учради. Жумладан, Абдулазиз Бўстонов мактабни битирганига кўп бўлмаса-да, ёнимга келиб, асаларичиллик кизиқиши борлигини, аввал шу соҳада ишлаб, тажриба орттирганини айтди. Унга мутахассисларни бириктириб, имтиёзли кредит олиб бериш асосида ёш тадбиркорни қўллаб-қувватладим. Умид қиламанки, ёш йигитимиз ишончни оқлаб, ушбу йўналишда яхшигина даромадга эга бўлади. Хозирча икки нафар ишсиз ёш қолди. Аммо тез орада уларнинг муаммоларига ечим топиб, кизиқишлари асосида бандлигини таъминлашга эришамиз.

**Маҳалла гузариди катта-роқ ёшлар маркази қурилса, яхши бўларди.** Марказнинг бир бурчагида ёшлар спорт тури билан шуғулланса, бир



томонида мусикадан сабоқ олишни истаганлар чолу асбобларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлса, яна бир томонда исталган вақт китоб ўқишга мўлжалланган мўъжазгина кутубхона ташкил этилса, дейман. Боиси маҳалламизда айни йўналишларда иқтидорли ёшлар кўпчиликти ташкил қилади.

Уйлайманки, ёшлар марказининг ташкил этилиши юқорида айтиб ўтилган йўналишларда йигит-қизларнинг қобилиятини янада ривожлантиришга имкон беради. Ишонманки, озгина қўллаб-қувватлов бўлса, маҳалламиз ёшлари орасидан жаҳон ва Олимпиада чемпиони, моҳир санъат усталари, адабиётшунослар, илм аҳли етишиб чиқади.



**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**“БОҒЧАДА**  
**ТАРБИЯЧИ**  
**БЎЛИБ ИШЛАЙ**  
**ОЛАМАНМИ?”**

Наргиза МҮМИНОВА,  
Косонсой тумани:

Баходир КАРИМОВ,  
юрист, адвокат:


— Педагогика ва психология йўналишини тамомлаганман. Айтишгичи, ушбу йўналишлардаги диплом билан боғчада тарбиячи бўлиб ишлай оламанми?

— Мактабгача таълим вазирининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси лавозимининг малака талаблари белгиланган. Унга кўра:

- мактабгача таълим йўналиши бўйича камида ўрта махсус педагогик маълумотга эга бўлиш керак;
- бошқа йўналиш бўйича ўрта махсус маълумотлилар мактабгача таълим йўналишидаги касбий қайта тайёрлов курсини ўтаган бўлиши лозим;
- амалий иш стаж таълим қилинмайдиган.

Мана шу қоидага кўра, тарбиячи лавозими учун мактабгача таълим йўналишида камида ўрта махсус маълумот талаби қўйилган.

Сиз олий маълумотлисиз, бироқ малака талабларига мувофиқ. Сизнинг йўналишингиз мактабгача таълимга оид бўлмагани сабабли, сиз бу лавозимда ишлай олмайсиз.



**Ёшлар маркази бўлса, унинг бир бурчагида спорт билан шуғулланилса, бир томонида мусикадан сабоқ олишса, яна бир томонда исталган вақт китоб ўқишга мўлжалланган мўъжазгина кутубхона ташкил этилса, дейман.**

**Инклюзив таълим — болага мактабдан бағрикенгликни ўргатади**

Хар бир шахсда меҳр олиш, эътиборда бўлиш, ҳимояланиш ва шу каби эҳтиёжлар мавжуд. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳам бундан мустасно эмас.



Шахноза ХАЛИЛОВА.

**А**йни шу каби кишиларни парварилаш ҳақида гап кетса, максад шуки, улар ҳам ҳамма қатори ҳаётини давом эттириши, ҳар соҳада ютуқларга эришиши учун имконият бериш керак.

**Бу жараёнда инклюзив таълим асосий ўрин тутаяди.** Бу таълим тизимининг афзал жиҳати шундаки, у қашшоқлик исканжасидан қутулишга имкон беради, барча

учун таълим сифатини яхшилайти, камситишларнинг олдини олади. Бундай таълимда барча болалар, шу жумладан, ногиронлар махсус ажратилган гуруҳда эмас, балки бир синфда ўқийди. Махсус гуруҳлар ва муассасалар қолаверади, улар тугатилмайди, аммо ота-она боласи учун муассасани танлаш ҳуқуқига эга.

Инклюзив таълим ўқув дастурига эмас, балки болаларга қаратилган. Бунга ҳар бир боланинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган ва кўшимча

ча ёрдамга муҳтож бўлган болаларнинг эҳтиёжларини қондирадиган педагогика орқали эришилади. Бундай таълим турида болалар ўз яшаш жойларида таълим олиш учун тенг имкониятларга эга бўлади.

**Бироқ инклюзив таълимни муваффақиятли амалга ошириш учун мактабларда муаммолар мавжуд.** Хусусан, хозирда бунга ўқитувчилар таркиби етарли даражада тайёр эмас. Боиси улар ҳар доим ҳам алоҳида эҳтиёжли болалар билан ишлаб кўрмаган, билим ва кўникма-

ларга эга бўлиши зарур. Педагоглар ўқув жараёнини ташкил қилишда, дастурни маълум бир боланинг эҳтиёжларига мослаштиришда ва синфда қўлай муҳит яратишда қийинчиликка дуч келиши мумкин.

**Яна бир муаммо** — инклюзив таълим учун етарли маблағ етишмаслиги. Ушбу таълимни муваффақиятли амалга ошириш учун махсус жиҳозлар, ўқитувчи ёрдамчилари, ўқув дарсликлари ва бошқа қўллаб-қувватлаш воситалари керак. Аксарият ҳолларда мактабларда бунинг учун маблағ етишмайди, бу эса инклюзив таълимни ривожлантириш учун чекловлар яратади.

Ваниҳоят, инклюзив таълимни амалга оширишдаги асосий муаммолардан бири, бу — **жамиятнинг вазиятга салбий муносабати.** Баъзи одамлар алоҳида эҳтиёжли болалар “соғлом” болалар билан эмас, балки ихтисослашган муассасаларда ўқигани яхшироқ, деб ҳисоблашади. “Менинг соғлом фарзандим ногирон бола билан ўқимади ёки фарзандим таълим олишига ногирон ўқувчининг синфга қўшилиши салбий таъсир қилади”, деган қарашлар бор. Соғлом болаларнинг ота-оналари кўп ҳолларда инклюзив таълим жараёнига тайёр эмас ва ўз фарзандларини турли хил функционал

хусусиятларга эга болалар билан бирга ўқишини қатъиян истамайди. Бу барча болалар учун қўлай муҳитни яратишга ҳалақит беради.

**Тажрибадан маълумки,** юқоридаги барча ҳолатларни ўқитувчиларни мунтазам равишда тайёрлаш, кўникмасини ошириш, муассасаларни етарли маблағ, зарурий жиҳозлар билан таъминлаш, ижтимоий мослашув учун муносиб шароит яратиш ва баҳолаш тизимини ўзгартириш орқали бартараф этиш мумкин. Бундан ташқари, жамиятнинг инклюзив таълимга бўлган муносабатини ўзгартириш устида ишлаш керак. Жамият қанчалик бағрикенг бўлса, дастурларни амалга ошириш шунчалик осон бўлади. Ва, энг муҳими, болаларнинг хусусиятларидан қатъи назар, умумий тилни топиш осонроқ бўлади.

Инклюзив таълим орқали олис ва чекка маҳаллаларда, махсус таълим муассасалари мавжуд бўлмаган жойларда ҳам имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимига тўлиқ жалб қилиш мумкин. Бу тизим умумтаълим жараёнини ривожлантиради ва барча болаларга мос бўлган таълимни жорий қилади. Барча болаларга ўз эҳтиёжларини қондирадиган муҳитда ўқиш ва ривожланиш имконини беради.



**Бухоронинг Пойкент манзилгоҳидан миллоддан аввалги ва милодий I асрларга тегишли ЖАНГОВАР ҚУРОЛ-АСЛАҲАЛАР топилди.**



**Ўзбекистон ХАЛҚАРО АЭРОПОРТЛАРИ 2024 йилда 13,5 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатди.**



**Қонунчилик палатаси фуқароларга ўзига КРЕДИТ АЖРАТИЛИШНИ ТАКИКЛАШ ҳуқуқини берувчи қонунни қабул қилди.**

МИНБАР

# Маҳалла халқчил тузилмага айланди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилганига бир йил тўлди. Орта назар ташласак, кўплаб хайрли, самарали ва тизимли ишлар йўлга қўйилди.



**Одилбек ОРТИҚОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи.**

Камбағаллик даражаси юқори бўлган 70 та маҳаллани камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди. Яратилган имкониятлар ҳисобига 103 та ижтимоий хизматлар маҳаллага туширилди. Уйма-уй юриш орқали 10,7 минг нафар муҳтож фуқарога ёрдам кўрсатилди. Шундан 4,4 минг нафарига ногиронлик белгиланди, 2,5 минг нафари протез олди. Натижада ижтимоий хизмат ва ёрдам сўраб, Халқ қабулхоналари ва ҳокимликларга йўланган мурожаатлар 47 фоизга камайди. "Еттилик" аъзолари 99 655 та хонадонни ўрганиб, аҳоли билдирган 3 195 та муаммо ва тақлифларнинг 3 125 тасини мутасадди ташкилот ва идораларни жалб қилиш орқали ҳал этди. Маҳалла раислари аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича давлат органларига 911 та мурожаат ва сўровлар юборди. Маҳалла кенгашларида 2 989 та ҳисобот эшитилди. Уйма-уй юриш орқали инфратузилма

билан боғлиқ 189 та, аҳолининг ижтимоий масалаларига оид 103 та муаммо ҳал этилди. Амалга оширилган ишлар орқали 321 та маҳалла жиноятчиликдан, 111 таси оилавий ажримдан холи ҳудудга айланди. Маҳаллаларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Саломатлик учун 5 минг қадам" шиори остида юриш марафонлари ва эрталабки бадантарбия машғулоти йўлга қўйилди. Худудларнинг ўзига хослиги ва аҳоли қизиқишига қараб, 235 та маҳалла футбол, волейбол, гандбол, "Street-Workout" ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилди. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи ва тартибли овқатланиш тарғиботи йўлга қўйилиб, 112 минг 41 та хонадонга "Таомин-гиз бўлса оз – соғлиқ қилмас эътироз", "Бадантарбия – соғлиқни сақлашда самарали


усул", "Исрофга йўл қўймаслик оиладан бошланади" номли буклетлар тарқатилди. Вилоятдаги 13 та туман ва шаҳарда биттадан маҳаллада "Маҳалла сервис компанияси" ташкил қилиниб, улар фаолияти учун 11 номдаги 72 млн. сўмлик техник воситалари берилди. Компанияларга маҳалладаги ишчи 130 нафар муносиб кадрлар ишга қабул қилинди. Сервис компаниялари 241 та кўчасидаги 337 минг метр ички кўча ва ариқ (зовур)ларни тозалапти. 7 472 туп манзарали ва мевали даракхтарни парваришляпти. Жорий йилда маҳаллаларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш бўйича бир қатор устувор масалалар белгилаб олинди. Жумладан, ўз биносига эга бўлмаган 25 та маҳалла фуқаролар йиғини бинолари янгидан қурилади. Давлат-ху-

сусий шерикчилик асосида қурилиши бошлаб, охирига етказилмаган 29 та маҳалла биноси топширилади. 162 та кам таъминланган оила хонадонларига ҳамда олис ва чекка ҳудудлардаги 179 та маҳалла биносига қуёш панеллари ўрнатилди. Бориш қийин бўлган, чегара ва чўл ҳудудда жойлашган 65 та маҳаллада аҳолига онлайн хизматлар кўрсатиш бўйича инфокиосклар ўрнатилди ва кўрсатиладиган хизматлар сони 100 тага етказилди. 17,6 минг оиладаги 68,3 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқаришга ҳамда 24 минг нафар ишсизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашилади. 71 тадан ортиқ маҳаллада "Маҳалла сервис компаниялари" фаолияти йўлга қўйилиб, аҳолига хизмат кўрсатиш турлари 23 турдан 31 тага етказилди. Шунингдек, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Гурлан, Урганч, Ҳазорасп, Тупроққалъа, Хонқа, Шовот туманлари ва Хива шаҳар бўлимлари ўз биноларига эга бўлади. Мазкур ишларни ўз вақтида самарали ташкил этиш учун февраль – май ойларида 531 та маҳалла раислари сайлови ўтказилиб, садокатли, тажрибали ва ватанпарвар кадрлар танлаб олинди.

## "ЕТТИЛИК" ТАШКИЛ ЭТИЛГАЧ, СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ 20 ФОИЗГА ОШДИ

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

**"МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ" ИШЛАШ ТИЗИМИ ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИНИ КЎРСАТДИ. АЙНИКЕСА, СОЛИҚ ХОДИМЛАРИНИНГ "ЕТТИЛИК" ТАРКИБИГА КИРИТИЛИШИ ФУҚАРОЛАРГА ҲАМ, БИЗГА ҲАМ САМАРАЛИ БЎЛЯПТИ. БУГУН АҲОЛИ 16 КИЛОМЕТР ЙЎЛ БОСИБ, ТУМАН МАРКАЗИГА ҚАТНАБ, НАВБАТДА ТУРИБ СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАМАЯПТИ, АКСИНЧА, БИЗ УЛАРНИНГ ХОНАДОНИГА БОРЯПМИЗ.**



Етиштириб, етказиб берапти. Бугунги кунда маҳаллаларда 2 265 нафар ер солиғи, 2 224 нафар мол-мулк солиғи тўловчиси бор. Йиғинларда юридик шахс тоифасига кирувчи 48 та фермер хўжалиги, 17 та масъулияти чекланган жамияти, 13 та нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда 80 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда.

ислохотларни тушунтиряпмиз. Норасмий меҳнат фаолиятини юритаётганлар расмий рўйхатдан ўтказилиб, қонуний ишлаши таъминланяпти. Бу борада тадбиркорлик субъектлари билан доимий мулоқотда бўлиб, иқтисодий жиноятнинг салбий оқибатларидан хабардор этиляпти. "Еттилик"нинг иқтисодий таянчи бўлиб, худудларнинг "ўсиш нуқталари"ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтиряпмиз. Ўтган давр мобайнида даромадлар йиғирма фоизга ошди, тадбиркорлар сони 10 фоизга кўпайиб, 250 га яқин янги иш ўрни яратилди. 1 721 нафар фуқаро турли йўналишлар бўйича ўзини ўзи банд қилиб, даромад топяпти. "Қандиён", "Тинчлик", "Бирлик" маҳаллалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва боғдорчиликка ихтисослаштирилётган бўлса, "Янгибод" йиғинида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда хусусий клиникалар ривожланган. Туртта маҳаллада мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, улар кўшни "Бунёдкор" маҳалласидаги саралаш, қуришиш ва қадоқлаш корхоналарига полиз, сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотларини

Фаолиятимиз давомида вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектларига фаолиятини қайта тиклашга кўмаклашиб, ноқонуний фаолият кўрсатаётган фуқароларни тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказяпмиз. Норасмий ишлаётган ишчиларнинг меҳнат фаолияти қонунийлаштиряляпти. Келгусида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириб, маҳаллалар бюджетини янада ошириш ниятидамиз. Бунинг учун имкониятлар етарли.

**Музаффар МИРЗААҲМЕДОВ, Янгиқўрғон туманидаги "Қандиён", "Янгибод", "Тинчлик", "Бирлик" маҳаллалари солиқ инспектори.**

ТАҲЛИЛ

## Ўзини ўзи банд қилганлар 4,5 миллионга етди

2024 йил Ўзбекистонда такси бозорини легаллаштириш йўлидаги муҳим босқич бўлди. Солиқ кўмаги билан ушбу соҳадаги шарт-шароитлар таъминлаб, агрегаторлар ширкетларини қўллашнинг ўзини ўзи банд қилганларнинг қисмини қамраб олишга эришилди.


**Мақсадбек ҚҶҚОРОВ.**

Ўтган йил якунларига кўра, 155 та такси агрегатори солиқ органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилинган. Улар йил давомида 320 млн. марта йўловчи ташишни амалга оширди. Йўловчи ташиш айланмаси 5,9 трлн. сўмга етди. Шундан:
 

- 4,5 трлн. сўм ёки 76,3 фоиз – нақд тўловлар;
- 1,4 трлн. сўм ёки 23,7 фоиз – нақдсиз тўловлар.

 Уртача битта чек 18 456 сўмни ташкил этган (август ойида 18 минг сўм эди).
 

Жорий йил 1 январь ҳолати бўйича агрегаторлар орқали йўловчи ташиш билан 498 мингга яқин ўзини ўзи банд қилган хайдовчилар шуғулланмоқда. Худудлар кесимида энг кўп ўзини ўзи банд қилган шахслар Самарқанд вилоятида (508,1 минг нафар) рўйхатдан ўтган.



Хайдовчиларнинг ярмидан кўпи (57 фоиз) 30-50 ёшда – 283 680 киши, 30 ёшгача – 179 245 киши (36 фоиз), 50 ёшдан катталар – 35 004 киши (7 фоиз). Шундан аёл хайдовчилар сони деярли 4 баробарга ошган: ўтган йил бошида 1 053 нафар, йил охирига келиб 4 124 нафарга етган.
 

Йил давомида такси хизматини кўрсатган 4,7 мингга яқин хайдовчи 100 млн. сўмдан ортиқ даромад олган:
 

- 50-100 млн. сўм – 23,1 минг хайдовчи;
- 10-50 млн. сўм – 114,6 минг хайдовчи;
- 5-10 млн. сўм – 63,5 минг хайдовчи;
- 1-5 млн. сўм – 136,4 минг хайдовчи;
- 1 млн. сўмгача – 155,5 минг хайдовчи.

 Агрегаторлар 2024 йилда 156,8 млрд. сўм солиқ, шундан ҚҚС 66,2 млрд. сўм тўлади.
 

Эндиликда жисмоний шахслар ўзини ўзи банд қилган ҳолда таксичилик фаолияти билан доимий

шуғулланишлари мумкин. Шунингдек, такси бозоридаги агрегаторлар фаолияти тартибга солинади, уларнинг давлат, хайдовчи ва йўловчилар олдидаги мажбурияти аниқ белгилаб қўйилади.
 

Давлат солиқ қўмитаси берган маълумотга кўра, 2025 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда ўзини ўзи банд қилган шахслар 4,4 млн. нафардан ошган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 76,5 фоиз (1,9 млн. нафар)га кўпдир.
 

Йил давомида соҳалар кесимида энг юқори ўсиш кўйидагича бўлган:
 

- маиший хизматлар – 104,3 фоиз (976 мингта);
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш – 94,6 фоиз (203,1 мингта);
- ахборот-коммуникация – 87 фоиз (55,7 мингта).

 Эслатма: ўзини ўзи банд қилганларнинг 58 фоизи эркаклар, 42 фоизи эса аёллар ҳисобланади.



Энди болаларга кўрсатилаётган ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИ Сенатда тузилган ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб борилади.



Бош вазир бошчилигида молия институтлари билан ишлаш бўйича алоҳида ФАВҚУЛОДДА ШТАБ ташкил қилинади.



Инвестиция жалб қилиш ва экспортни ривожлантиришда султ бўлган 16 та туман ва шаҳар ҳокимлигига "ҲАЙФСАН" БЕРИЛДИ.

# “Кўмак кўрсатмасам агар, чарчоғим тарқамайди”

Кимнингдир хонадонига эшик қоқиб кирар эканман, бир қарапдаёқ оилاداги муҳит, ўзаро муносабат ҳамда уларнинг қандай ёрдамга муҳтожлиги ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Инсон ишлагани, фуқаролар билан кўпроқ мулоқот қилгани сари тажрибаси ортиб, йўл-йўриқларни ўрганиб бораверар экан.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

мақсад қилиб қўйди. Оила кўрсатилган ёрдам ва кўмакдан бениҳоя миннатдор. Уларнинг жамият учун керакли шахс эканини яна бир қарра англаб етишди.

Яна бир “Камбағаллик реестри”га киритилган Чарос Ҳасановнинг 2005 ва 2008 йилда туғилган икки нафар ўғлида ногиронлиги мавжуд. Турмуш ўртоғининг ҳам имконияти чекланган бўлишига қарамай, шу кунгача ҳеч қаерга мурожаат қилмаган. “Маҳалла еттилиги”нинг саъй-ҳаракати билан унга 2-гуруҳ ногиронлиги ва нафақа тайинланди. Катта ўғлининг автомобиль тузатиш йўналишида таҳсил олишига кўмаклашилди. Аёлнинг ўзи тўйхона ва кафеларда кунлик ишлаб юрган экан. Унинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасига тозалик бекаси штатига ишга жойлаштиришга амалий ёрдам кўрсатилди.

2025 йилда амалга оширишни мўлжаллаган режаларимиз жуда кўп. Биринчи навбатда, 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган бир аёл учун маҳалламиз худудда тикув цехи ташкил этишда ёрдамлашмоқчимиз. Бу билан қўшимча равишда яна янги иш ўринлари очилишига эришган бўламиз.

Соҳиба Жўраева, Яккабоғ туманидаги “Яшнобод” маҳалласи ижтимоий ходими.

## Ф

аолиятимиз давомида ҳар кун турфа феъл-атворли кишилар билан суҳбатлашамиз, мурожаатларини тинглаймиз. Ҳаётда қийналган, турмушининг ташвишларидан эзилган фуқароларни кўрсам, тезроқ ёрдам бергим келади. Айниқса, ногиронлиги бўлган аҳоли вакилларига алоҳида вақт ажратишга ҳаракат қиламан. Менинг маслаҳатим ёки кўрсатган хизматим билан қандайдир мушқули осон бўлса, чарчоқларимнинг барчаси унут бўлади.

Маҳалламизда 5 600 нафар аҳоли истиқомат қилади, тумanning энг катта худудларидан биримиз. Шундан ногиронлиги бўлганлар 82 нафарни ташкил этади. Кам таъминланган оилалар 80 та бўлса, 33 та хонадон ҳақиқий эҳтиёжмандлар рўйхатида киритилган. Утган йилнинг декабрь ойи ва жорий йил бошидан буён олиб борган ўрганишларимиз натижасида 12 та камбағал оилани реестрга қўшдик. Ҳозир улар билан тизимли равишда ишлаб, бандлигини таъминлаш, қийин вазиятдан олиб чиқиш чоралари кўрилмоқда.

2024 йилнинг апрель ойидан буён 12 та “кейс” очилди. Фуқароларнинг шароити тўлиқ ўрганилиб, барча керакли хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди.

Хусусан, Эшнор Турсоатов ва Маржона Бобожонованинг турмуш курганига ҳали 10 йил ҳам бўлмаган. Лекин тақдирнинг турфа хил синовлари уларни анча улғайтириб қўйди. Иккинчи фарзанди ногирон туғилганидан кейин шифохонама-шифохона юришдан бошқа чораси қолмади. Мана, етти йилдирки, аёл бир ҳафта уйда бўлса, бир ҳафта касалхонада ётишга мажбур бўляпти. Устига-устак турмуш ўртоғининг ҳеч қаерда ишлаганлиги моддий жиҳатдан анча қийналиб қолишига олиб келди.

Маҳаллада олиб борилган хатлов жараёнида оиладаги ҳақиқий вазият ўрганилди ҳамда уларга ёрдам бериш мақсадида “Камбағаллик реестри”га киритилди. Шу кунгача фарзанди учун керакли бўлган ортопедик махсулот-

ларни сотиб олаётган экан. Уларга барча қонун-қоидаларни тушунириб, бундай мосламалар билан бепул тарзда таъминлайдиган бўлдик. Бундан ташқари, Эшнор Турсоатовга ижара асосида автомобиль олиб, ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашдик. Шундан кейин аёлнинг 2 нафар фарзандига болалар ҳамда ўзига парвартириш нафақаси тайинланди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, Маржонанинг аввалроқ қўлқўчилиги билан шуғулланганини инобатга олиб, субсидия асосида тикув машинаси олиб бердик. Айни вақтда имкон даражасида кунига 1-2 та буюртмани тикиб, 50-100 минг сумгача пул топяпти. Келгусида фарзандларини боғча ва таълим муассасаларига жойлаштириб, фаолиятини кенгайтиришни ўз олдига



Менинг маслаҳатим билан кимнингдир мушқули осон бўлса, чарчоқларимнинг барчаси унут бўлади.

### ЭЪТИБОР

## Қизиқиши сабаб йўлини топди

Жондор туманидаги “Дарвеш” маҳалласида яшовчи Шаҳзод Нарзиевда боланикдан ногиронлик мавжуд бўлиб, ҳар донм махсус ортопедик оёқ кийимдан фойдаланиб келади.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Маҳалладаги хонадонларни ўрганиш чоғида Шаҳзод билан учрашган “маҳалла еттилиги” унинг оилавий шароити билан яқиндан танишди. Ижтимоий ходим “Кейс-менеджмент” асосида унинг мурожаатини таҳлил қилди ва кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар режасини тузди. Биринчи навбатда, Шаҳзод янги ваучер тизими асосида махсус ортопедик пайабзал ҳамда қўл ҳасса билан таъминланди. Унинг қизиқишлари инобатга олиниб, маҳалла худудидан сартарошхона очилиш учун жой ажратилди. Сартарошхона фаолияти учун зарур бўлган асбоб-анжомлар олиб берилди.



Айни дамда қаҳрамонимиз сартарошхонада фаолият юритиб, қўни-қўшни, яқин маҳаллалардан ўзининг доимий мижозларига эга бўлишга улгурди ва бунинг ортидан унинг ижтимоий аҳоли ижобий томонга ўзгарди.



## Ҳаётни хонадонда ўзгартириб бўлмайди, чунки...

Маҳалламиз эски шаҳар худудда жойлашган. Сайёҳлик маскани ҳисоблангани учун 70 дан ортиқ хонадонда уй-мехмонхоналар ташкил этилган. Аҳолининг катта қисми шу йўналишда меҳнат қилмоқда.

Нодира Жўраева, Бухоро шаҳридаги “Кўкалдош” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Эътиборга молик жиҳати, бой тарихимизга хорижий иштиёқмандлардан ташқари юрдошларимизнинг ҳам қизиқиши йилдан-йилга ортиб бораётир. Ички туризм аввалги йилларга қараганда анча ривожланди. Худудимизда 2 минг 28 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бирида ўзининг сеvimли машғули, даромад манбаи мавжуд. Айримларининг иши шунчалик кўпчилигидан қўли-қўлига тегмайди. Шундай опа-сингилларимиздан бири Азиза Шодиева. У асрлар оша аждодларидан мерос бўлиб келаётган кулчилик ортидан қанчадан-қанча хорижий мамлакатларда бўлиб қайтган. Пишиқ лойдан ясалган чойнак, пиёла, анор гулли лаган ва кўзаларининг харидорлари жуда кўп.

Маҳалламизда бундай ўз устида ишлаб, катта-катта натижаларга эришаётган аёллар анчагина. Айримлари қандолат махсулотлари пиширишга уста бўлса, бошқаси тикувчиликда ас.

Мени маҳалла ҳаётидаги энг кўп ўйлантирадиган муаммо, бу — оилавий ажралишлар. Утган йили худудимизда бирорта ажралиш қайд этилмаган бўлса-да, кўп оилаларни муромага келтириш учун анча тер тўкишга тўғри келди. Саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, 14 та оилани яраштиришга эришдик.

Кунги кеча бошқа маҳаллага узатилган қизимиз ота уйига аразлаб келганидан хабар топиб қолдик. “Маҳалла еттилиги” билан маслаҳатлашиб, икки нафар фарзанди билан қайнона, қайнотасининг олдига бордик. Улар бизни жуда илиқ қарши олишди. Набираларини кўриб, меҳр билан бағрига босишди. Шу тарзда бир оиладаги келишмовчиликка нукта

қўйдик. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, кўнгироклашсақ, келин ҳам жуда хурсанд. Кўнглимиз анча хотиржам тортиди.

Кузатувларимга асосланиб айтишим мумкинки, ажралишларга кўпроқ учинчи шахс аралашуви сабаб бўляпти. Қайнона, қайнота, қайинсингил ёки қайни укаларнинг асосий равишда чиқарган низолари қанчалар бир-бирига меҳр қўйган ёшларнинг айрилиги кетишига сабаб бўляпти. Норасида гўдақлар тирик етимга айланяпти. Бу муаммо билан курашиш учун ҳар бир инсонни масъул деб биламан. Раҳбар ва мутасаддилар қанча тушунириш бермасин, йўл-йўриқ кўрсатмасин, одамлар яқин кишининг бахтини ўйлаб, бир оғиз гапдан қолмаса, барчаси бекор.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани келтироқчи эдим. Бундан бир-икки йил аввал турмуш кураётган ёшлар ҳам маҳаллага, ҳам ФХДЁ бўлимларига мурожаат қилишар эди. Бу бизга ёш оилалар ҳақида батафсилроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради. Ҳозир шу анъана бироз тўхтаб қолган. Уни давом эттириш бўйича қандайдир ҳуқуқий асос яратилиса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

Собир ВАЛИЕВ, Навоий вилояти:

— Камбағал оилалар реестрига киритилган оиланинг аъзоси ишга жойлашганда нималар ва қай тартибда ўзгаради?

## Камбағал оиланинг аъзоси ишга жойлашса...

Улуғбек САФАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси шўъба мудир:

— Кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам олаётган оилаларнинг расмий банд бўлмаган аъзолари ишга жойлашганда, ўзини ўзи банд қилганда ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганда ушбу нафақа ва моддий ёрдамни уларнинг мuddати тугагунга қадар, бироқ 6 ойдан кўп бўлмаган вақт давомида тўлаш давом эттирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 1,5 бараваридан кам бўлмаган ойлик иш ҳақи тўланган ҳолда ишга жойлашган Камбағал оилалар реестрига киритилган оила аъзоси учун ижтимоий солиқ уч йил давомида 1 фоиз ставкада тўланади.


Камбағал оилаларга кўмак чоралари ижтимоий шартнома асосида меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш, ўз томорқасидан самарали фойдаланиш (экин экиш), оила аъзолари, шу жумладан, фарзандларининг билим олиши, касб-хунар ва хорижий тилларни ўрганиши ҳамда соғлигини назоратга олиши, уй-жойини озода тутиши каби шартлар инобатга олинган ҳолда кўрсатилади.

### ЭЪЛОН

Бегишев Халит Галеевич номига 1993 йил 16 апрелда берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи 10-01/19105-сонли Давлат орденининг 2021 йил 29 апрелдаги дубликати йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.



8 мингдан зиёд юрдошимиз "ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИ" кўкрак нишони билан тақдирланди.



Ўзбекистон БИЛЬЯРД СПОРТИ федерацияси Халқаро пирамида конфедерациясига аъзо бўлди.



ШАХМАТ: Самарқандда мукофот жамғармаси 50 минг АҚШ долларидан иборат турнир ўтказилади.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!



БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ!

# РЕВМАТИЗМ

## БОЛАЛАРДА ҚАНДАЙ АСОРАТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ?

Қиш мавсуми — қатор мавсумий касалликлар авж оладиган давр. Ревматизм — шулардан бири. Бу хасталикка кўпроқ мактаб ёшидаги болалар чалинади ва у ўғил-қизларда катталарга нисбатан оғир кечади.



Бунёд АКБАРХОНОВ, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар бош кардиологи.

Оёқда ўтказилган сурункали тонзиллит — касалликни келтириб чиқарувчи энг асосий омил ҳисобланади. Яъни тез-тез томоғи оғриб турадиган болалар ангинаси ўз вақтида даволанмаса, 10-14 кун ўтиб, уларда ревматизм ривожланиши мумкин. Касалликнинг ўткир шаклида ангинадан тузалган беморни маълум муддат ўтиб, яна юқори ҳарорат безовта қилади. Тирсак, биллак-кафт усти, тизза, болдир-оёқ панжаси бўғимлари ва танасининг бошқа қисмлари қизариб, шишади. 10-12 кун ўтгач, полиартритга хос барча

белгилар йўқолади. Бирок мазкур ҳолат вақтинчалик бўлиб, хасталик чоғида юракнинг мушак қавати, клапанлари, ташқи пардаси зарарланади. Бу эса юрак нуқсонига олиб келиши мумкин. Ревматизм бошқа аъзо ва тўқималар, масалан, нерв тизимида ҳам жиддий асоратларни келтириб чиқариши хавфи юқори. Бунда боланинг оёқ-қўллари учиб туради, ўта кўзгалувчанлик, тез толиқиш кузатилади. Хасталикнинг ўткир босқичида бемор, одатда, шифохонада даволанади. Стационардан чиққандан сўнг ҳам узок вақт шифо-

кор кузатувида бўлади. Ҳолсизланиш, тез чарчаш, рангпарлик, иштаҳа пасайиши, кечкурун тана ҳарорати кўтарилиши, баъзан бош оғриғи, юрак ўйнаши, ҳансираш, бўғимлар соҳасидаги тери остида майда, қаттиқ ва оғриқсиз "ревматик тугунчалар" ҳамда пушти, ҳалқасимон тошмалар ревматизмга хос аломатлардир. Бу касалликдан асаб тизими шикастланганда, боланинг кайфияти ва хулқ-атвори ўзгариб, беҳаловат, эътиборсиз ва сержаҳл бўлиб қолади. Унинг хотираси пасаяди. Бемор беҳитиёр тартибсиз, беўхшов ҳара-

катлар қилади. Кўзлари пириллаб, юз мушаклари тортилади. Натижада у ўзи мустақил кийиниб-ечина ва овқатлана олмайди. Шунингдек, туртиниб-суртиниб юра бошлайди. Қайталама ревматизм даврида организмда иммунологик ва биокимёвий бузилишлар кузатилади, юракда яллиғланиш жараёни кучаяди. Ревматизмга фақат мутахассис томонидан тегишли тегишли текширувлардан сўнг аниқ ташхис қўйиши мумкин. Агар ўз вақтида шифокорга мурожаат қилинса, беморни муваффақиятли даволаса бўлади.

Касалликдан асаб тизими шикастланганда, боланинг кайфияти ва хулқ-атвори ўзгариб, беҳаловат, эътиборсиз ва сержаҳл бўлиб қолади.

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Энергетик ичимликлар таркиби сув, синтетик кофеин, ксебнат ангридрит, газлантирувчи витаминлар ва микроэлементлар, шаккар ёки унинг ўрнини босувчи сунъий бўёқлар, ранг ва ҳид берувчи моддалардан иборат.

ЭНЕРГЕТИК



ИЧИМЛИК БИЛАН ТАНАНГИЗНИ АЛДАМАНГ!

Кофеин — барча энергетик ичимликларнинг асосий ва фармакологик фаол компоненти ҳисобланади. У танага фаоллаштирувчи таъсир кўрсатади, лекин энергия манбаи ҳисобланмайди. У гўёки чавандознинг қамчисидек тана аъзоларини юқори даражада ишлашига туртки беради. Кофеин захарсиз модда бўлишига қарамай, уни доимий ва юқори дозада истеъмол қилиш психомотор кўзгалувчанликка олиб келади. Бу эса уйқусизлик, юракнинг тез уриши, юрак маромининг бузилиши, қон босимининг ошиши, кўнгил айниши ва қайт қилиш каби ҳолатларни юзага келтиради. Шунингдек, таурин моддаси кучли аллергия кўзгалувчи сифатида таъсир кўрсатиши мумкин. Агар кишида эпилепсия, уйқусизлик, юқори психик кўзгалувчанлик, юрак маромининг бузилиши, глаукома каби касалликлар бўлса, таркибиде кофеин бўлган ичимликлар мумкин эмас. Энергетик ичимликлар таркибиде шаккар микдори жуда юқори бўлиб, у ошқозон ости безининг эндокрин фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида қандли диабетга мойиллик ошади. Айниқса, бу хасталикка наслий мойиллиги бўлган кишиларда яққол намоён бўлиш эҳтимоли юқори. Алкогол-ли энергетик ичимликларнинг бош миёдаги биохимик жараёнларга салбий таъсир кўрсатиши натижасида тананинг психобиологик реакциялари бузилади. Бу янада ўткирроқ спиртли ичимликлар истеъмол қилишга ва уларга ружу қўйишга олиб келади. Бир сўз билан айтганда, энергетик ичимлик қабул қилиб, биз ўз танамизни алдаймиз, холос. Сунъий тетиклик баъзи ҳолларда орқага қайтариб бўлмас жараёнларни юзага келтириши мумкинлигини ёдингиздан чиқарманг.

Сунъий қўшимчалар ва ранг берувчи воситалар жигар фаолиятини издан чиқаради. Жигар танани захарли воситалардан ҳимоя қилишни ҳисобга олсак, унинг шикастланиши жуда оғир ҳолатларни юзага келтиришини англаш қийин эмас.

Азиза ШИРИНОВА, Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиникаси бошлиғи.

ҲИДОЯТ

Шодиёр НЕЪМАТОВ. Хоразм вилояти: — Мен бозорда бир дўконни шжарага олиб, улгуржи сотувчилардан биттадан махсулот олиб келиб, راستага қўяман. Қай бири сотилса, ўрнига янгисини олиб келаман. Яқинда эшитиб қолдим: бу ишим ноқош экан. Чунки ўзимники бўлмаган нарсани сотишга кирар экан. Шу тўғрими?

## “ЎЗИМНИКИ БЎЛМАСА, СОТА ОЛМАЙМАНМИ?”



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Агар махсулотларни сотиб олиб, сотсангиз, жоиз бўлади. Лекин уларни сотиб олмаган бўлсангиз, бу ишингиз дуруст эмас. Чунки сиз ўзингизники бўлмаган нарсани сотган бўласиз. Шунингдек, бир махсулотни "Қачон сотилса, пулини бераман", деган шарт билан олса ҳам савдо дуруст бўлмайди. Агар махсулотни сотиб олмоқчи бўлсангиз, махсулот эгасининг вакили сифатида сотиб, бу ишингиз учун хизмат ҳақи олишингиз жоиз. Лекин бу ҳолатда қанчага сотилса, ҳаммасини мол эгасига бериш лозим бўлади ("Ал-Бахрур-роик" китоби).

## ЮҚОРИ ҚОН БОСИМИДА НИМАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАК?

Гипертония — энг кўп учрайдиган юрак-қон томир касалликларидан бири. Уни ўз вақтида даволамаслик инфаркт, инсулт ва юрак етишмовчилиги каби жиддий хасталикларга олиб келиши мумкин.

Шу боис юқори қон босими профилактикаси учун куйидаги тавсияларга амал қилинг:

1. **Тўғри овқатланиш.** Қизил гўшт, ҳайвон ёғлари ва туз истеъмолини камайтиринг. Таомномада мева-сабзавотлар, балиқ, ёнғоқ, ёғсиз сут махсулотлари бўлишига эътибор беринг.
2. **Қаҳвани чеклаш.** Кофеин қон босимини оширади. Шу боис уни чеклаш мақсадга мувофиқ.
3. **Алкоголь ва тамаки махсулотларидан** воз кечинг.



СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ



Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

4. **Жисмоний машқларни мунтазам бажариш.** Енгил спорт турлари, пиёда юриш, велосипед учуш, сузиш артериал қон босимининг меъёрга бўлишига ёрдам беради.
5. **Тана вазнини назорат қилиш.** Ортиқча вазн гипертония ривожланиш хавфини оширади.
6. **Тушқун вазиятлардан қочиш.** Медитация ва йога билан шуғулланиш стресс ҳиссини камайтиришнинг самарали усули ҳисобланади.
7. **Уйқу тартибига амал қилиш.** Гипертонияга чалинган бемор кунига камида 8 соат ухлаши тавсия этилади.
8. **Дориларни ўз вақтида қабул қилиш.** Агар шифокор қон босимини тушириш учун керакли дорилар ёзиб берган бўлса, уларни ўз вақтида ичиш лозим.
9. **Даврий шифокор кўригидан ўтиш.** Бу организмдаги салбий ўзгаришларни барақат аниқлаш ва тезкор чоралар кўриш имконини беради.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер: Абдулазиз Аҳмедов  
Шерзод Маманов

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 450 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-120

